

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSC.03/30.01.2020.1.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ**

БАБАХОЛОВ ШЕРЗОД БАХТИЁРОВИЧ

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИГА ИҚЛИМ
ЎЗГАРИШИНING ТАЪСИРИ ВА АДАПТАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ
ИҚТИСОДИЙ БАҲОЛАШ (САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

08.00.04 - Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2022 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автороферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the Dissertation Abstract of doctor of philosophy (PhD)

Бабахолов Шерзод Бахтиёрович

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига иқлим ўзгаришининг таъсири ва
адаптация жараёнларини иқтисодий баҳолаш (Самарқанд вилояти
мисолида).....5

Бабахолов Шерзод Бахтиёрович

Экономическая оценка влияния изменения климата и адаптационных процессов
на сельскохозяйственное производство (на примере Самаркандской
области).....25

Babakholov Sherzod Baxtiyorovich

Economic assessment of climate change impacts and adaptations on agricultural
production (The Case study of Samarkand region).....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....51

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSC.03/30.01.2020.I.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ**

БАБАХОЛОВ ШЕРЗОД БАХТИЁРОВИЧ

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИГА ИҚЛИМ
ЎЗГАРИШИНИНГ ТАЪСИРИ ВА АДАПТАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ
ИҚТИСОДИЙ БАҲОЛАШ (САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

08.00.04 - Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2022 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Iqt1770 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент Давлат аграр университети Самарқанд филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tiame.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

| | |
|---------------------|---|
| Илмий раҳбар: | Ҳасанов Шавкат Турсунқулович иқтисодиёт фанлари доктори, доцент |
| Расмий оппонентлар: | Рустамова Ирода Бахрамжановна иқтисодиёт фанлари доктори, доцент Мустафакулов Шерзод Игамбердиевич иқтисодиёт фанлари доктори, профессор |
| Етакчи ташкилот: | Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтини |

Диссертация химояси “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи DSC.03/30.01.2020.I.10.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «15» апрел соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниязий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-46-68, e-mail: admin@tiame.uz.

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси билан “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетининг Ахборот-ресурс марказида танишин мумкин (212 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниязий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-19-45, e-mail: admin@tiame.uz.

Диссертация автореферати 2022 йил «2» 04 куни тарқатилди
(2022 йил 2.04 даги № 1 рақамли реестр баённомаси)



Қ.А.Чариев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари
доктори, профессор.

Ш.М.Муродов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, и.ф.ф.д. (PhD)

Н.С.Хушматов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон қишлоқ хўжалигига глобал иқлим ўзгаришларининг кўрсатаётган салбий таъсирлари кейинги йилларда тобора кескинлашмоқда. Хусусан, иқлим ўзгариши таъсирида дунё мамлакатларида қурғоқчил ҳудудлар кенгайиб, сув танқислиги, камбағаллик, очарчилик ва озик-овқат хавфсизлиги масалалари тобора кучаймоқда. Гарчанд ривожланаётган мамлакатларнинг дунё йиллик глобал карбонат ангидрид газ эмиссияси ортишига қўшаётган зарари кам бўлсада, ушбу мамлакатларнинг қишлоқ хўжалик тизими ривожланган мамлакатлар қишлоқ хўжалиги тизимига нисбатан иқлим ўзгаришларига анчагина таъсирчан ва заифдир. Шу боис, иқлим ўзгариши таъсирларига мослашишда жаҳон тажрибасида ишлаб чиқаришни янги инновацион ва яшил технологиялар асосида ташкил этиш кенг қўлланилаётган ва муваффақиятли амалиётлар ҳисобланиб, мазкур амалиётларнинг жорий этилиши ривожланаётган мамлакатларда ҳам кучайтирилмоқда.

Марказий Осиё мамлакатлари ўзининг хилма хил жуғрофияси ва қурғоқчил ҳудудлари билан иқлим ўзгаришларига ўта таъсирчан регион ҳисобланади. Иқлим ўзгариши бўйича ҳукуматлараро комиссияси ҳамда ушбу соҳадаги олимларнинг илмий кузатувлари натижаларига асосан, XX асрнинг иккинчи ярмидан буён дунё бўйлаб ўртача ҳаво ҳарорати 1,8-4,0 °C га ошган ва бу кўрсаткич Марказий Осиё малакатларида дунё ўртачасига нисбатан ҳам анчагина юқоридир. Сўнгги ўттиз йилликдаги иқлим ўзгаришлари минтақанинг ирригация тизими, сув ресурслари ва қишлоқ хўжалигига жиддий муаммолар туғдирмоқда. Хусусан, "... минтақада суғорма деҳқончилигининг асосий манбалари бўлган Амударё ва Сирдарё сув сатҳлари иқлим ўзгаришлари оқибатида 20-30 фоизгача камайган"¹. Шунингдек, келгусидаги иқлим ўзгаришлари минтақанинг Ўзбекистон каби қурғоқчил ҳудудларида тобора кучайиши ва бу мамлакат қишлоқ хўжалиги ҳамда озик-овқат хавфсизлиги учун жиддий муаммоларни юзага келтириши мумкинлиги башорат қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида видеоанжуман шаклида бўлиб ўтган "Яшил ўсиш ва глобал мақсадлар учун ҳамкорлик – 2030" саммитидаги нутқида "... иқлим ўзгаришлари тобора кучайиб бораётганлиги, айниқса Марказий Осиё мамлакатларида сўнгги 30 йил ичида ўртача йиллик ҳарорат 1°C даражага кўтарилганлиги ҳамда минтақамизда асосий дарёларнинг ҳавзалари ва биологик хилма хиллик тобора қисқариб бораётганлиги"ни таъкидлади². Бундан ташқари, ҳозирги кундаги бутунжаҳон коронавирус (COVID-19) пандемияси даврида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабнинг ошганлигини ҳамда озик-овқат хавфсизлиги масалалари ҳар бир мамлакатда кучайганлигини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ

¹ Ososkova, T., Gorelkin, N., Chub, V., (2000). Water resources of Central Asia and adaptation measures for climate change. Environ. Monit. Assess. 61, 161–166.

² https://dunyo.info/uz/site/inner?slug=o%E2%80%98zbekiston_prezidentining_p4g_Sammitidagi_ishtiroki_janubiy_koreya_matbuoti_nigohida-WP0 ва <https://president.uz/uz/lists/view/4385>

хўжалиги тизими ва унга таъсир этувчи эндоген ва экзоген омилларни тўғри баҳолаш ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш устувор аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 16 февралдаги ПҚ-2784-сон “Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида иқлим ўзгаришига мослашиш ва Орол денгизи ҳавзаси учун оқибатларни юмшатиш дастури лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 4 ноябрдаги ПҚ-4477-сон “2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг Яшил иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий, ахлоқий ҳамда маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иқлим ўзгаришлари ва унинг қишлоқ хўжалигига таъсири бир қатор Sommer, Gupta, Charles, Hossain, Aleksandrova, Stefanie Christman, Donna Mitchell ва Schierhorn³ каби хорижий олимларнинг ишларида кенг қамровда ўрганилган. Ушбу олимларнинг тадқиқотларида иқлим ўзгаришининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, фермер ва деҳқон хўжаликлари даромадлари, озиқ-овқат хавфсизлиги ҳамда сув ресурсларига таъсирлари сўровнома, панел ҳамда даврий қаторли маълумотлар

³ Sommer, R., Glazirina, M., Yuldashev, T., Otarov, A., Ibraeva, M., Martynova, L., Bekenov, M., Kholov, B., Ibragimov, N., Kobilov, R., Karaev, S., Sultonov, M., Khasanova, F., Esanbekov, M., Mavlyanov, D., Isaev, S., Abdurahimov, S., Ikramov, R., Shezdyukova, L., & de Pauw, E. (2013). Impact of climate change on wheat productivity in Central Asia. *Agriculture, Ecosystems and Environment*, 178, 78–99.; Gupta, R., Kienzler, K., Martius, C., Mirzabaev, A., Oweis, T., De Pauw, E., Qadir, M., Shideed, K., Sommer, R., & Thomas, R. (2009). Research prospectus: a vision for sustainable land management research in Central Asia. ICARDA Central Asia and Caucasus Program. *Sustainable Agriculture in Central Asia and the Caucasus Series*, 1, 84; Charles, N. (2014). Economic impacts of climate change on agriculture and implications for food security in Zimbabwe. 9(11), 1001–1007.; Hossain, M. S., Arshad, M., Qian, L., Zhao, M., Mehmood, Y., & Kächele, H. (2019). Economic impact of climate change on crop farming in Bangladesh: An application of Ricardian method. *Ecological Economics*, 164, 106354; Aleksandrova, M., Gain, A. K., & Giupponi, C. (2016). Assessing agricultural systems vulnerability to climate change to inform adaptation planning: an application in Khorezm, Uzbekistan. *Mitigation and Adaptation Strategies for Global Change*, 21(8), 1263-1287.; Christmann, S., Aw-Hassan, A., Rajabov, T., & Rabbimov, A. (2015). Collective action for common rangelands improvement: a climate change adaptation strategy in Uzbekistan. *Society & Natural Resources*, 28(3), 280-295.; Mitchell, D., Williams, R. B., Hudson, D., & Johnson, P. (2017). A Monte Carlo analysis on the impact of climate change on future crop choice and water use in Uzbekistan. *Food Security*, 9(4), 697-709; Schierhorn, F., Hofmann, M., Adrian, I., Bobojonov, I., & Müller, D. (2020). Spatially varying impacts of climate change on wheat and barley yields in Kazakhstan. *Journal of Arid Environments*, 178, 104164.

асосида ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар мисолида кенг қамровда тадқиқ этилган.

Мамлакатимиз олимларидан Ў.Умурзаков, Қ.Чариев, О.Муртазаев, Н.Хушматов, А.Чертовицкийлар⁴ нинг ишларида ресурслар салоҳиятидан самаралари фойдаланиш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги тадқиқ этилган бўлса, иқлим омиллари ўзгаришининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига ҳамда мавжуд сув ресурсларига таъсири И.Бобожонов, А.Мирзабаев, А.Ҳамидов, Р.Ҳақимов, Р.Кулматов, Ш.Мухамеджанов ва Ш.Ғаффоровлар⁵ нинг ишларида тадқиқ этилган.

Ушбу олимлар томонидан иқлим ўзгариши таъсирлари Марказий Осиё мамлакатлари мисолида, айниқса иқлим ўзгаришининг сув ресурсларига бўлган таъсирлари ўрганилган. Аммо, иқлим омиллари ўзгаришининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига бевосита таъсирини ҳисобга олган ҳолда айнан вилоятлар ва фермер хўжаликлари кесимида тадқиқ қилиш ва мамлакат миқёсида чуқурлаштириш талаб этилмоқда. Глобал иқлим ўзгариши шароитида иқлим ўзгариши таъсирларини юмшатиш, уларга мослашиш ҳамда қишлоқ хўжалиги барқарорлигини таъминлаш муҳимлиги мазкур мавзунини танлаш имкониятини берди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тақиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент Давлат аграр университети Самарқанд филиалининг илмий тадқиқот ишлари режалари ҳамда Германиянинг “VolkswagenStiftung” фонди “IPReS - Иқлим ўзгариши шароитида озиқ-овқат занжири бўйича тадқиқот ва салоҳиятни ошириш” илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

⁴Умурзаков У.П., Чориев К.А. Организационно-экономических и правовых основы реструктуризации сельскохозяйственных предприятий на переходном этапе. – Т., Мехнат, 1997. – с 79.; Муртазаев О., Ф.Б.Ахроров. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти. – Т., Илм-Зиё, 2017 й.; Хушматов Н. Мева-сабзавот маҳсулотлари савдосида кооперацияни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари. Аграр иқтисодиёт. ЎзБИИТИ. – 2008.; А.Чертовицкий. Структура системы сельского хозяйства. // Agroiqtisodiyot. 2019. №2. 7-12 стр.

⁵Bobojonov, Ihtiyor, & Aw-Hassan, A. (2014). Impacts of climate change on farm income security in Central Asia: An integrated modeling approach. *Agriculture, Ecosystems and Environment*, 188, 245–255.; Bobojonov, Ihtiyor, Berg, E., Franz-Vasdeki, J., Martius, C., & Lamers, J. P. A. (2016). Income and irrigation water use efficiency under climate change: An application of spatial stochastic crop and water allocation model to Western Uzbekistan. *Climate Risk Management*, 13, 19–30.; Mirzaev, A. (2013). *Climate Volatility and Change in Central Asia: Economic Impacts and Adaptation*. PhD Thesis. Agricultural Faculty, University of Bonn, urn: nbn:de.; Hamidov, A., Khamidov, M., & Ishchanov, J. (2020). Impact of climate change on groundwater management in the northwestern part of Uzbekistan. *Agronomy*, 10(8), 1173.; Hakimov, N., Lines, A., Elmuratov, P., & Hakimov, R. (2007). Climate change and water resource alteration in Central Asia: The case of Uzbekistan. In *Climate Change and Terrestrial Carbon Sequestration in Central Asia* (pp. 93-100). CRC Press.; Kulmatov, R. A., Adilov, S. A., & Khasanov, S. (2020, December). Evaluation of the spatial and temporal changes in groundwater level and mineralization in agricultural lands under climate change in the Syrdarya province, Uzbekistan. In *IOP Conference Series: Earth and Environmental Science* (Vol. 614, No. 1, p. 012149). IOP Publishing.; Gafforov, K. S., Bao, A., Rakhimov, S., Liu, T., Abdullaev, F., Jiang, L., ... & Mukanov, Y. (2020). The assessment of climate change on rainfall-runoff erosivity in the Chirchik–Akhangaran Basin, Uzbekistan. *Sustainability*, 12(8), 3369.; Mukhamedjanov, S., Mukhomedjanov, A., Sagdullaev, R., & Khasanova, N. (2021). Adaptation to climate change in irrigated agriculture in Uzbekistan. *Irrigation and Drainage*, 70(1), 169-176.

Тадқиқотнинг мақсади иқлим омиллари ўзгаришининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига таъсири ҳамда адаптация жараёнларини иқтисодий баҳолаш бўйича илмий-услубий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мустақиллик йилларида Республикамиз ва Самарқанд вилоятида иқлим омилларининг (йиллик ўртача ҳаво ҳарорати ва ёғингарчиликлар миқдори) ўзгариш динамикаси ва оқибатларини қиёсий таҳлил қилиш;

Самарқанд вилоятида иқлим омиллари ўзгаришининг фермер хўжаликлари ялли ҳосилига таъсирини баҳоловчи эконометрик моделни такомиллаштириш;

республикамиз қишлоқ хўжалик тизимида Самарқанд вилояти мисолида фермер хўжаликлари раҳбар-ходимларининг иқлим ўзгариши тўғрисидаги билим ва тасаввурларини баҳолаш;

Самарқанд вилоятида фермер хўжаликларининг иқлим ўзгаришлари таъсирига мослашиш чоралари сифатида амалда қўлланилаётган адаптация амалиётлари юзасидан сўровнома ўтказиш ва эконометрик таҳлилларни амалга ошириш;

республикамиз қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш тизими барқарорлиги ҳамда фермер хўжаликларининг иқлим ўзгариши таъсирларига бардошлилигини оширишга қаратилган илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида Самарқанд вилоятидаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликлари танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тизимида олиб борилаётган ислохотлар ва иқлим ўзгаришининг қишлоқ хўжалигига таъсири жараёнларини иқтисодий баҳолаш билан боғлиқ муаммо ва муносабатлар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида таққослама таҳлил, статистик ва эконометрик моделлаштириш, “Тренд” модели, “ўзгармас таъсир” (fixed effect) модели, “Кескинлик индекси” (Severity Index) математик ҳисоблаш индекси, “Multivariate Probit” (кўп ўзгарувчили пробит) модели ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

иқлим ўзгаришининг пахта ва ғалла экинлари ҳосилдорлигига таъсирини баҳолаш бўйича услубий ёндашув “ўртача ҳаво ҳарорати”, “ёғингарчилик миқдори” каби табиий омилларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган;

фермер хўжаликлари раҳбар-ходимларининг иқлим ўзгаришлари (курғоқчилик ва сув танқислиги) ҳамда уларнинг таъсири тўғрисидаги билим ва тасаввурларини баҳолашда “Кескинлик индекси” (Severity Index) таклиф этилган, уларнинг қуйи, ўрта ва юқори мезонлари ишлаб чиқилган;

иқлим ўзгариши таъсирига мослашиш ва экинлар ҳосилдорлигини оширишда суғориш ва ўғитлаш тизими менежиенти, ерга ишлов бериш, экиш муддатларини мослаштириш, янги навлардан фойдаланиш ва дарахтлар плантациясини кўпайтириш каби чоралар бўйичи истиқболли амалий адаптация харитаси ишлаб чиқилган;

иқлим омиллари ўзгариши шароитида қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ўзгаришининг 2030 йилгача бўлган прогноз параметрлари асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

фермер хўжаликлари кесимидаги панел маълумотлари ва (fixed effect) модели ёрдамида иқлим омиллари ўзгаришининг, яъни ўртача ҳаво ва ёғингарчиликлар миқдорининг буғдой ва пахта ялпи ҳосилига таъсирини баҳолаш усули ишлаб чиқилган;

Самарқанд вилоятида фермер хўжаликлари раҳбарларининг иқлим ўзгариши таъсирлари тўғрисидаги билим ва тасаввурларини баҳолашда “кескинлик индекси” (Severity Index) коэффиценти 81,3 фоиз эканлиги ҳисобланган, яъни 5 баллик даража (Likert Scale) ўлчови баҳолаш мезонига асосан кузатилаётган иқлим ўзгариши таъсирлари фермер хўжаликлари фаолиятига кучли даражада эканлиги асосланган;

Самарқанд вилоятининг Пайарик, Жомбой, Оқдарё, Булунғур ва Тойлоқ туманларида фермер хўжаликларининг фаолияти “юзма-юз” сўров усулида ўрганилган ҳамда иқлим ўзгаришларига қарши адаптация чораларини жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Самарқанд вилоятида фермер хўжаликлари раҳбар-ходимлари билим даражасининг 1 фоизга ошиши иқлим рискинни бошқаришни 12 фоизга, молиявий барқарорлигининг 1 фоизга ошиши 15 фоизга ҳамда тармоқда экстеншн хизматлари ва бозор инфратузилмасининг 1 фоизга ривожланиши иқлим рискларини бошқаришни муносиб равишда 22 фоиз ва 14 фоизга ошириши “Кўп ўзгарувчи пробит” (Multivariate Probit) модели ёрдамида асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва хориж иқтисодчи олимларининг иқлим ўзгариши таъсирларига доир тадқиқот ишларидаги илмий-услубий натижаларига таянилганлиги, маълумотларнинг узоқ муддатлилиги ва расмий манбалардан олинганлиги, Самарқанд вилояти туманлари кесимида фермер хўжаликларидан тўпланган сўровнома маълумотларига асосланганлиги, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот жараёнида олинган натижаларнинг илмий аҳамияти республикамиз қишлоқ хўжалигида иқлим омиллари ўзгаришининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига таъсирларини иқтисодий баҳолаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг иқлим ўзгариши ва таъсирлари тўғрисидаги билим ва тасаввурларини баҳолаш ҳамда иқлим ўзгаришига қарши адаптация чораларини жорий этиш ва натижаларини баҳолашнинг услубларини ишлаб чиқилиши билан белгиланади.

Бундан ташқари тадқиқотнинг амалий натижаларидан иқлим ўзгариши тўғрисидаги билимларни ривожлантириш, олий ўқув юртларида “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти” ва “Атроф-муҳит иқтисодиёти” фанларининг таълим жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Иқлим омиллари ўзгаришининг қишлоқ хўжалигига таъсири ва адаптация жараёнларини иқтисодий баҳолаш бўйича олинган илмий таклиф ва амалий тавсиялар асосида:

иқлим омиллари ўзгаришининг қишлоқ хўжалигига таъсирини баҳолаш бўйича услубий ёндашув Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизим ташкилотлари томонидан амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 24 июлдаги 02/034-3070-сон маълумотномаси). Натижада, Самарқанд вилоятида ҳаво ҳароратининг ўртача меъёрдан 1 даражага ошиши буғдой ялпи ҳосилининг 7 фоизга, меъёрдан ортиқ ёғингарчиликлар эса пахта ялпи ҳосилининг 13 фоизга йўқотилиши асосланган;

Самарқанд вилоятида фермер хўжаликлари раҳбар-ходимларининг иқлим ўзгариши таъсирлари тўғрисидаги билим ва тасаввурларини баҳолаш бўйича берилган таклиф Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизим ташкилотлари томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 24 июлдаги 02/034-3070-сон маълумотномаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан 2022 йил 21 февралда тасдиқланган услубий қўлланмаси). Натижада, 5 баллик даража (Likert Scale) бўйича баҳолаш мезонига асосан кузатилган иқлим ўзгариши таъсирлари Самарқанд вилоятидаги фермер хўжаликлари фаолиятига кучли даражада эканлиги асосланган;

Самарқанд вилояти худудларида фермер хўжаликларининг иқлим ўзгариши билан боғлиқ рискларни бошқариш бўйича берилган таклиф Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 24 июлдаги 02/034-3070-сон маълумотномаси). Натижада, фермер хўжаликлари раҳбар-ходимлари билим дарасининг 1 фоизга ошиши иқлим рискларини бошқаришни 12 фоизга, молиявий барқарорлигининг 1 фоизга ошиши эса 15 фоизга ҳамда тармоқда экстеншн хизматлари ва бозор инфратузилмаси ривожланишининг 1 фоизга оширилиши орқали иқлим рискларини бошқаришни муносиб равишда 22 фоиз ва 14 фоизга оширишга эришилган;

Самарқанд вилояти худудларида фермер хўжаликларининг иқлим ўзгариши таъсирларига қарши адаптация чоралари (суғориш, ўғитлаш, янги навлар, экиш муддатларини мослаштириш, ерга ишлов бериш ва дарахтлар плантациясини кўпайтириш)ни қўллаш бўйича берилган таклиф Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 24 июлдаги 02/034-3070-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф вилоятнинг Жомбой, Булунғур ва Оқдарё туманлари фермер хўжаликларида жорий этилди. Натижада, иқлим ўзгаришига қарши адаптация чораларини қўллаган буғдой етиштирувчи фермер хўжаликларида ўртача 3 ц/га ва пахта етиштирувчи фермер хўжаликларида ўртача 2 ц/га юқори ҳосилдорликка ёки ҳар бир фермер хўжалигида маҳсулот қийматини гектарга ўртача 750 000 сўмга оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро, 2 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган журналларда жами 4 та илмий мақола, шундан 3 таси маҳаллий ва 1 таси хорижий нашрларда чоп этилган.

Диссертация ҳажми ва тузилиши. Диссертация иши таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловаларни қамраб олган ҳолда жами 140 саҳифада баён этилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, унинг мақсади ва вазифалари, илмий янгилиги, амалий аҳамияти баён этилган, тадқиқот натижаларининг ишончилиги, татбиқ этилганлиги, апробацияси, эълон қилинганлиги ҳамда унинг таркибий тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Республика қишлоқ хўжалигида иқлим ўзгаришлари таъсири ва уларни иқтисодий баҳолашнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалик тармоғининг ривожланиш босқичлари, тармоқ ривожига амалга оширилган ислохотлар ва уларнинг асосий йўналишлари, натижалари ҳамда аҳамияти ўрганилган. Шунингдек, иқлим ўзгариши динамикаси, уларнинг қишлоқ хўжалигига таъсирлари даражаси ва адаптация жараёнларини иқтисодий баҳолашнинг илмий-услубий асослари ва кўрсаткичлар тизими, тадқиқотда қўлланилган методларнинг ўрни, мазмуни ва аҳамияти очиқ берилган.

Республикада мустақилликдан сўнг барча соҳалар қатори аграр соҳада ҳам туб ислохотлар амалга оширилиб, ижобий натижаларга эришилди. Аммо, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги бир хил шароитдаги бошқа мамлакатлар билан таққосланганда ҳамон паст даражададир. Бундан ташқари, сўнгги йилларда кузатилаётган иқлим ўзгаришлари мамлакат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда 1991-2020 йиллар давомида йиллик ўртача ҳаво ҳарорати 1⁰С даражага кўтарилганини ҳамда йиллик ёғингарчиликлар миқдорида ҳам сезиларли ўзгаришлар бўлганлигини кўришимиз мумкин. Ҳаво ҳароратининг кўтарилиши мамлакатда ҳавза сувлари миқдорининг камайишига ҳамда қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун сув ресурсларига бўлган талабнинг ошишига олиб келади. Шунингдек, йиллик ёғингарчиликлар миқдори ва мавжуд сув ресурсларининг камайиши нафақат лалмикор ерларда, балки суғориладиган ерларда ҳам қўшимча муаммоларни юзага келтиради. Шу боис, “кейинги йилларда сув ресурсларига бўлган талабнинг кескин ошиши туфайли суғорма деҳқончилиги ва унинг барқарорлиги мамлакат қишлоқ хўжалиги тизимида ҳал

қилиниши лозим бўлган асосий масалалардан бирига айланди”⁶. Бундан ташқари, ҳаво ҳароратининг баҳор, ёз ва куз мавсумларида кескин кўтарилиши бошоқли дон экинларнинг вегетация даврида тупроқ таркибида нисбий намликнинг етишмаслигига ҳамда ҳосилдорликнинг пасайишига сабаб бўлмоқда. Иқлим ўзгаришининг шу каби салбий таъсирларини таҳлил қилишда қатор услублар мавжуд бўлиб, тадқиқот ишида айнан мазкур таъсирлар ва уларнинг оқибатларини тадқиқ этишда қўлланиладиган моделлар ва уларнинг ўзаро боғлиқлик хусусиятлари тадқиқ этилди (1-жадвал).

1-жадвал.

Иқлим омиллари ўзгариши ва унинг қишлоқ хўжалигига таъсири таҳлилларида қўлланиладиган услублар ва уларнинг боғлиқлик хусусиятлари⁷

| Тавсифи | IAM/ВЕМ | FE/RE | LM/PM |
|---|----------------|--------------|--------------|
| Параметрик метод | – | + | + |
| Четланишларни ҳисобга олишда | – | + | + |
| Ҳисоблашда қўлланилиши мумкин: | | | |
| — Кўп йиллик иқлим таъсири прогнозларини баҳолаш; | + | + | – |
| — Ҳосилдорлик, ялпи ҳосил ва даромадга таъсирини баҳолаш; | + | + | – |
| — Адаптация чоралари таъсирини баҳолаш; | – | – | + |
| Маълумотлардан фойдаланилади: | | | |
| — Кросс кесимидаги; | – | – | + |
| — Даврли (вақтли) қаторлар; | + | + | – |
| — Кўп ўлчамли даврли қаторлар (панель); | + | + | + |
| Дастлабки методни қўллашда талаб этиладиган маълумотлар: | | | |
| — Кун, ой ва йиллар кесимидаги иқлим омиллари кўрсаткичлари; | + | + | + |
| — Ишлаб чиқаришга киритилган ресурслар миқдори, экинлар ҳосилдорлиги кўрсаткичлари; | + | + | – |
| — Ижтимоий-демографик, иқтисодий ва институционал омиллар. | – | – | + |

Изоҳ: IAM – “Integrated Assessment Method” (Интеграцион баҳолаш методи), ВЕМ – “Bioeconomic Model” (Биоиктисодий модел), FE – “Fixed Effect” (Ўзгармас таъсир модели), RE – “Random Effect” (Ўзгарувчан таъсир модели), LM – “Logit Model” (Логит модели) ва PM – “Probit Model” (Пробит модели).

Ушбу тавсифланган моделлар мавжуд маълумотлар турига асосан қўлланилади ҳамда иқлим ўзгаришининг қишлоқ хўжалигига таъсири ва адаптация чораларини баҳолаш имкониятини беради.

Диссертациянинг **“Иқлим омиллари ўзгаришининг қишлоқ хўжалиги экинлари ялпи ҳосилига таъсирини иқтисодий баҳолаш”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг илмий-услубий, амалий ишланма ва натижалари

⁶ Franz, J., I. Bobojonov, and O. Egamberdiev. 2010. Assessing the economic viability of organic cotton production in Uzbekistan: A first look. Journal of Sustainable Agriculture 34 [1]: 99- 119.

⁷ Адабиётлар асосида муаллиф ишланмаси

асосида иқлим омиллари ўзгариши ва унинг тадқиқот жараёнига жалб қилинган объектлар (фермер хўжаликлари) фаолиятига таъсирлари билан боғлиқ муаммолар таҳлил қилиниб, улар асосида хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Монографик тадқиқотлар Самарқанд вилоятидаги пахта ва ғалла етиштирувчи фермер хўжаликлари мисолида амалга оширилди. Вилоят иқлим шароити қишлоқ хўжалик экинлари учун қулай ҳисобланади. Шундай бўлсада, Республика гидро-метеорология хизмати маркази ва Халқаро Иқлим Тадқиқотлари институти (CRU) маълумотларига асосан вилоятда 2000 йиллардан буён ҳаво ҳарорати асосан баҳор ва ёз мавсумларида кўтарилаётганини кўришимиз мумкин. Бу эса қишлоқ хўжалик экинларининг вегетация даврида иссиқ уриши (heat stress) хавфини кучайтиради ҳамда ҳаво ҳароратининг меъёридан ортиқ кўтарилиши туфайли бевосита ҳосилдорликнинг пасайишига ва ялпи ҳосилда йўқотишларга сабаб бўлади.

Вилоятда ўрганилган фермер хўжаликларининг пахта етиштириш майдонлари ўртача 32,8 гектарни ва буғдой етиштириш майдонлари 20,1 гектарни ташкил қилади. Шунингдек, ўртача ҳосилдорлик кузги буғдой етиштирувчи фермер хўжаликларида 43 ц/га ни ва пахта етиштирувчи хўжаликларда 25 ц/га ни ташкил қилади.

Иқлим ўзгаришлари ва унинг қишлоқ хўжалигига таъсирини турли методларда, яъни агрономик, интеграцион ҳамда эконометрик моделлардан фойдаланган ҳолда таҳлил қилиш мумкин. Ҳар бир таҳлил услуби ўзига хос афзалликлар ва камчиликларга эгадир. Эконометрик моделларнинг агрономик моделлардан афзаллиги шундаки, эконометрик моделлар бир вақтнинг ўзида ҳам табиий омиллар ҳам институционал ҳамда ижтимоий-иқтисодий омилларни пировард натижага таъсирини комплекс таҳлил қилиш имконини беради. Панел маълумотлари асосида олиб бориладиган таҳлиллар учун икки турдаги ўзгармас ва ўзгарувчан (Fixed effects (FE) ва Random effects (RE)) таъсир моделлари тавсия этилган⁸. Мазкур тадқиқот ишида панел маълумотлари учун муносиб моделни танлаб олишда “Хаусман”(Hausman) тести қўлланилди⁹ ҳамда олинган p -қиймат коэффиценти 0.0000 га тенг бўлганлиги сабабли алтернатив гипотеза инкор қилиниб, ўзгармас таъсир (Fixed effects) модели таҳлиллар учун муносиб деб топилди ва такомиллаштирилди.

Шунингдек, диссертацияда ўзгармас таъсир (fixed effect) модели ёрдамида тадқиқот олдида қўйилган мақсад ва вазифаларнинг илмий-услубий ечимларини асослашда Кобб-Дуглас ишлаб чиқариш функциясига асосланган модел қўлланилди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, панел моделлари ер майдонини қисқа муддатли иқлим ўзгариши таҳлилларида бевосита таъсир қилувчи эркли ўзгарувчи омил сифатида ўрганмайди ва шу боисдан ҳам биз тадқиқот ишида пахта ва буғдой етиштирувчи фермер хўжаликларининг ер майдонларини фақат умумий статистик тавсифини келтириб ўтдик.

⁸ Изох: Williams, R., Allison, P. D., & Moral-Benito, E. (2018). Linear dynamic panel-data estimation using maximum likelihood and structural equation modeling. *The Stata Journal*, 18(2), 293-326.

⁹ Изох: Hausman, J. A., & Taylor, W. E. (1981). Panel data and unobservable individual effects. *Econometrica: Journal of the Econometric society*, 1377-1398.

Бизнинг моделда эрксиз ўзгарувчи ва қолган эркили ўзгарувчи омиллар (уруғ, минерал ўғит, ишчи кучи ва сув сарфи) логарифмли ҳамда иқлим омиллари нол ва манфий қийматларда бўлганлиги сабабли чизиқли ҳолда қўлланилди, яъни:

$$Y_{ti} = \alpha_i + \beta_1 X_{1ti} + \beta_2 X_{2ti} + \beta_3 X_{3ti} + \beta_4 X_{4ti} + \sum \phi_j (\omega_{jti}) + \varepsilon_{ti} \quad (1)$$

Бу ерда:

Y = эрксиз ўзгарувчи, моделда ўрганилган ҳар бир i фермер хўжалигида t вақт давомида олинган пахта ва буғдой ялпи ҳосили миқдори (кг);

α_i = ўрганилган ҳар бир i фермер хўжалигида йиллар давомида кузатилмаган ўзгармас омиллар;

X_1 = 1 гектарга сарфланган уруғлик миқдори, кг/га;

X_2 = 1 гектарга сарфланган минерал ўғит (азот) миқдори, кг/га;

X_3 = қишлоқ хўжалигида бандлар;

X_4 = сарфланган жами сув миқдори, м³/га;

ϕ_j = иқлим омиллари таъсири (ҳаво ҳарорати ва ёғингарчиликлар);

ω_j = иқлим омиллари векторлари;

$\beta_1 \dots \beta_n$ – ҳар бир ўзгарувчининг коэффицентлари, яъни регрессия натижаларидан олинган эркили ўзгарувчилар коэффицентлари;

ε_{it} = стандарт хатоликлар.

Тадқиқот ишида қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этувчи қатор омиллар ва иқлим омиллари танланган бўлиб, уларга тегишли маълумотлар ва 1-формуладаги эконометрик модел асосида Самарқанд вилоятида иқлим омиллари (ўртача ҳаво ҳарорати ва ёғингарчиликлар миқдори) ўзгаришининг пахта ва буғдой етиштирувчи фермер хўжаликлар ялпи ҳосилига таъсири даражаси баҳоланди (2-жадвал).

2-жадвалда келтирилган кўрсаткичлар модел натижаларини акс эттириб, R квадратининг ҳисобланган коэффицентлари мос равишда 0,51 ва 0,76 га тенг, яъни бу таҳлиллар учун танланган модел маълумотлар тўпламига мос эканлигини англатади. Чунончи, модел натижаларига кўра ўрганилган давр мобайнида пахта ва буғдой етиштиришда ишлатилган барча ишлаб чиқариш омиллари ижобий таъсирга эга ва коэффицентлари статистик жиҳатдан муҳимлиги асосланган. Хусусан, минерал ўғитлар ва ирригация омилларининг коэффицентлари юқори ва статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлиб, фермер хўжаликларининг ўғитлардан тўғри меъёрларда ва самарали фойдаланиши ҳамда суғоришни ўз вақтида ва самарали ташкил этиши экинлар ҳосилдорлигини оширишда муҳим омиллардан эканлиги асосланди.

Шунингдек, иқлим омиллари ўзгаришининг фермер хўжаликлари фаолиятига, экинлар ялпи ҳосилига таъсирлари ҳам моделда баҳоланган. Таҳлил натижаларига асосан, иқлим омилларининг таъсири қишлоқ хўжалик экинлари турлари бўйича фарқланиши кузатилди. Натажиларга кўра, март-июнь ойларида кузатилган ҳаво ҳароратининг буғдой ҳосилига таъсири салбий ва статистик жиҳатдан аҳамиятли, яъни ўртача ҳаво ҳароратининг 1 даражага ошиши буғдой етиштирувчи фермер хўжаликлар ялпи ҳосилида 7% йўқотиш-

ларга олиб келиши асосланди. Ёғингарчиликлар миқдори эса буғдой ҳосилига ижобий таъсирда ва статистик аҳамиятга эга. Худди шунингдек, май-сентябр ойларида кузатилган ҳаво ҳарорати пахта ҳосилига ижобий таъсирда, лекин ёғингарчиликлар миқдори таъсири салбий. Май-сентябр ойларида кузатилган ортиқча ёғингарчиликлар пахта ялпи ҳосилида 13% гача йўқотишларга олиб келиши мумкинлиги асосланди. Шуни таъкидлаш жоизки, экинларнинг ҳосилдорлиги ва иқлим омиллари ўзгарувчанлиги ўртасидаги боғлиқлик монотоник (чизиқли) эмас, яъни меъёридан ортиқча ва тартибсиз ёғингарчиликлар миқдори ҳосилнинг нобуд бўлишига ҳамда ўсимлик касалликлари учун қулай шароит яратилишига олиб келади.

2-жадвал.

Иқлим омиллари ўзгаришининг қишлоқ хўжалик экинлари ялпи ҳосилига таъсирини баҳолаш натижалари¹⁰

| Омиллар | Буғдой етиштирувчи фермер хўжаликлари | Пахта етиштирувчи фермер хўжаликлари |
|--------------------------------|---|---|
| | Коэффициентлар | Коэффициентлар |
| Уруғ | 0.048*** (7.13e-06) | 0.011*** (0.0001) |
| Минерал ўғит (азотли) | 9.27e*** (2.81e-06) | 0.013*** (2.25e-06) |
| Ишчи кучи | 0.007*** (0.0031) | 0.010*** (0.0018) |
| Ирригация | 1.19e*** (2.72e-07) | 4.491*** (1.26e-07) |
| Ўртача ҳаво ҳарорати | - 0.074*** (0.0052) | 0.054*** (0.0076) |
| Ўртача ёғингарчиликлар миқдори | 0.032*** (0.0051) | - 0.137*** (0.0176) |
| Constant | 11.9*** (0.1152) | 9.11*** (0.2075) |
| Кузатувлар сони | 2135 | 1141 |
| | R-sq: within = 0.4408 between = 0.5198 overall = 0.4921 F (6,2134) = 341.11 corr(u_i, Xb) = 0.1797 Prob > F = 0.0000 | R-sq: within = 0.5375 between = 0.7649 overall = 0.6882 F (6,1140) = 170.87 corr(u_i, Xb) = 0.3471 Prob > F = 0.0000 |

* p<0.1, ** p<0.05, *** p<0.01, мос равишда 10%, 5% ва 1% статистик муҳимлилик даражалари. Қавс ичидагилар стандарт хатолик ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, иқлим ўзгариши таъсири натижасида Самарқанд вилоятидаги ўрганилган 2135 та кузги буғдой етиштирувчи фермер хўжаликларининг ялпи ҳосилида 7% ёки потенциал 12 928,8 тонна ҳамда 1141 та пахта етиштирувчи фермер хўжаликларининг ялпи ҳосилида 13% ёки потенциал 12 114,4 тонна йўқотишларга сабаб бўлганлиги таҳлиллар натижасида асосланди. Шу боис, иқлим ўзгариши ва унинг таъсирларини камайтириш ҳамда уларга мослашиш чора-тадбирларини жорий қилиш қишлоқ хўжалиги тизимидаги ўрганилиши лозим бўлган долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

¹⁰ Статистик маълумотлар асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

Диссертациянинг “Қишлоқ хўжалигида иқлим ўзгариши рискинни бошқариш ва унга таъсир этувчи омиллар” деб номланган учинчи бобида фермер хўжаликлари раҳбар-ходимларининг иқлим ўзгариши тўғрисидаги билим ва тасавурлари баҳоланиб, адаптация чоралари, уларнинг натижалари ва уларга таъсир этувчи омиллар ўртасидаги муносабатлар таҳлил қилинган ҳамда улар асосида хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Қишлоқ хўжалигидаги мавжуд муаммоларни бартараф этишда аввало тармоқда хўжалик юритувчи субъектларнинг мазкур муаммолар тўғрисидаги билим ва тасавурлари ҳамда мавжуд имкониятларини баҳолаш ва шу асосида амалий тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шу боис, диссертациянинг мазкур бобида фермер хўжаликлари раҳбар-ходимларининг фаолиятлари давомида кузатилаётган иқлим ўзгаришлари ва таъсирлари тўғрисидаги билим ва тасавурлари дунё тажрибасига асосланган ҳолда республикамиз қишлоқ хўжалик тармоғида биринчи марта “*кескинлик индекси*” (Severity Index)ни ҳисоблаш орқали баҳоланди. Тадқиқот ишида ўтказилган сўровнома орқали олинган ижтимоий-иқтисодий, демографик, иқлим ўзгариши, ишлаб чиқариш ва иқлим рискинни бошқариш тўғрисидаги маълумотлар асосида таҳлиллар амалга оширилди. Сўровнома Самарқанд вилоятидаги Оқдарё, Булунғур, Жомбой, Пайариқ ва Тайлоқ туманларидаги 307 та фермер хўжаликлари билан “юзма юз сўров” методикаси асосида 2020 йил натижалари бўйича 2021 йилнинг март-апрель ойларида ўтказилди.

Фермер хўжаликлари раҳбар-ходимларининг иқлим омиллари ўзгариши, унинг бевосита ўз фаолиятига ҳамда республика қишлоқ хўжалигига бўлган таъсирларига муносабатлари 5 даражали Лайкерт Шкаласи (Likert Scale) ўлчови мезонларида белгилаб олинди. Диссертацияда “кескинлик индекси” (Severity Index) қуйидаги формула бўйича ҳисобланди:

$$SI = \sum_{i=0}^4 p_i q_i / n \sum_{i=0}^4 q_i \quad (2)$$

Бу ерда:

SI = “кескинлик индекси” (Severity Index);

$(p_0 p_1 p_2 p_3 p_4)$ = фермер хўжаликлари раҳбарларининг 5 баллик даража (Likert Scale) ўлчови қийматлари $(q_0 = 0, q_1 = 1, q_2 = 2, q_3 = 3, q_4 = 4)$ га мос равишда иқлим ўзгариши тўғрисидаги жавобларининг (тасаввур ва билимлари) кетма-кетлиги;
 n = кузатувлар сони (фермер хўжаликлари сони).

Шунингдек, ушбу формула ёрдамида ҳисобланган “кескинлик индекси” (Severity Index)нинг коэффицентлари ва фермер хўжаликлари раҳбарларининг тақдим этган жавоблари 5 баллик даража (Likert Scale) ўлчови қийматларига мос равишда қуйидаги мезонларда баҳоланди ва тавсифланди.

q_0 = Мутлоқ қўшилмайман, $0.00 \leq SI \leq 12.5$;

q_1 = Қўшилмайман, $12.6 \leq SI \leq 37.5$;

q_2 = Ўртача деб ҳисоблайман, $37.6 \leq SI \leq 62.5$;

q_3 = Қўшиламан, $62.6 \leq SI \leq 87.5$;

q_4 = Мутлоқ қўшиламан, $87.6 \leq SI \leq 100$.

Фермер хўжаликлари раҳбар-ходимларининг иқлим ўзгариши тўғрисидаги билим ва тасаввурларининг “кескинлик индекси” (Severity Index)да ҳисобланган кўрсаткичлари¹¹

| Кўрсаткичлар тавсифи | | МҚ (1) | Қ (2) | ЎДХ (3) | Қ (4) | МҚ (5) | Severity Index (%) |
|---|--------|--------|-------|---------|-------|--------|--------------------|
| Иқлим ўзгариши менинг фаолиятимга бевосита таъсир кўрсатмоқда | ЖБС | 0 | 13 | 7 | 176 | 111 | 81.35 |
| | ЖБУ(%) | 0 | 4.2 | 2.3 | 57.3 | 36.2 | |
| Қишлоқ хўжалик экинларида янги касалликлар кучаймоқда | ЖБС | 7 | 40 | 20 | 163 | 77 | 71.25 |
| | ЖБУ(%) | 2.3 | 13 | 6.5 | 59.1 | 25.1 | |
| Қурғоқчилик кучаймоқда | ЖБС | 12 | 79 | 34 | 130 | 52 | 55.25 |
| | ЖБУ(%) | 3.9 | 25.7 | 11.1 | 42.3 | 16.9 | |
| Иқлим ўзгаришини жиддий муаммо деб ҳисоблайман | ЖБС | 2 | 16 | 24 | 199 | 66 | 75.25 |
| | ЖБУ(%) | 0.7 | 5.2 | 7.8 | 32.2 | 54.1 | |
| Иқлим ўзгариши Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига аллақачон таъсир кўрсатди | ЖБС | 2 | 30 | 33 | 203 | 39 | 70.1 |
| | ЖБУ(%) | 0.7 | 9.8 | 10.7 | 66.1 | 12.7 | |
| Ёғингарчиликлар миқдори (тартибсиз ёмғирлар) кўпаймоқда | ЖБС | 30 | 86 | 32 | 154 | 1 | 50.1 |
| | ЖБУ(%) | 9.8 | 28 | 10.4 | 50.2 | 1 | |
| Ҳарорат кўтарилмоқда | ЖБС | 0 | 50 | 28 | 165 | 64 | 69.75 |
| | ЖБУ(%) | 0 | 16.3 | 9.1 | 53.7 | 20.8 | |
| Адаптация чоралари барчамиз учун зарур | ЖБС | 0 | 48 | 16 | 134 | 109 | 74.75 |
| | ЖБУ(%) | 0 | 15.6 | 5.2 | 43.6 | 35.5 | |

Изоҳ: ЖБС-жавоб берувчилар сони; ЖБФ-жавоб берувчилар улуши (фоизда); МҚ (1) – мутлоқ қўшилмайман; Қ (2) – қўшилмайман; ЎДХ (3) – ўртача деб ҳисоблайман; Қ (4) – қўшиламан; МҚ (5) – мутлоқ қўшиламан. Кузатувлар сони – 307 та.

3-жадвал натижаларида акс эттирилганидек, “Иқлим ўзгариши менинг фаолиятимга бевосита таъсир кўрсатмоқда” деб ҳисоблайдиган хўжаликлар индекси 81,3% га тенг, яъни юқорида тавсифланган 5 баллик даража (Likert Scale) баҳолаш мезонига асосан кузатилган иқлим ўзгариши таъсири Самарқанд вилоятидаги ўрганилган фермер хўжаликлари фаолиятига кучли даражада эканлиги асосланди. Шунингдек, “Иқлим ўзгаришини жиддий муаммо” ва “Адаптация чоралари барчамиз учун зарур” деб ҳисоблайдиган хўжаликлар индекси 75,2% ва 74,5% га тенг бўлиб, бу вилоятда иқлим ўзгаришига қарши адаптация чораларини тармоққа жорий қилиш зарурлигини англатади.

Таҳлилларнинг кейинги босқичида, олинган сўровнома маълумотлари асосида фермер хўжаликлари томонидан амалда қўлланилган адаптация чоралари, уларнинг натижалари ва уларга таъсир этувчи омиллар таҳлил қилинди. Тадқиқот ишида 4 та эркисиз ва 15 та эркли ўзгарувчи омиллар танланган ҳамда уларнинг ўлчов бирликлари миқдорий, сифат ва иккилик кўрсаткичларда ифодаланган. Маълумотлар тавсифи 4-жадвалда акс эттирилган.

¹¹ Сўровнома маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

**Эмпирик таҳлилларда қўлланилган эрксиз ва эркли ўзгарувчилар
статистик тавсифи¹²**

| Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | Кўрсаткичлар мазмуни |
|------------------------------------|---------------|--|
| <i>Эрксиз ўзгарувчилар</i> | | |
| Суғориш тизими менежменти | Иккилик | Фермер хўжалигида суғориш амалиётларида янги технологиялар (қўшимча суғориш, янги усуллар, томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш)ни жорий қилинган бўлса = 1, акс ҳолда = 0 |
| Ўғитлаш тизими менежменти | Иккилик | Фермер хўжалигида ўғитлашда (қўшимча ўғитлаш, органик ва маҳаллий ўғитлар)ни жорий қилинган бўлса = 1, акс ҳолда = 0 |
| Экиш муддатларини мослаштириш | Иккилик | Фермер хўжалигида иқлим ўзгаришига қараб экиш муддатларини ўзгартирган бўлса = 1, акс ҳолда = 0 |
| Яхшиланган навлардан фойдаланиш | Иккилик | Фермер хўжалигида қурғоқчилик, совуқ ва касалликларга чидамли серҳосил навларни экишни жорий қилинган бўлса = 1, акс ҳолда = 0 |
| <i>Эркли ўзгарувчилар</i> | | |
| Ёши | Йилда | Фермер хўжалиги раҳбарининг ёши |
| Тажрибаси | Йилда | Хўжалиги раҳбарининг тажрибаси |
| Маълумоти | Категорияли | Фермер хўжалиги раҳбари ўрта маълумотга эга бўлса = 1, бакалавр даражаси бўлса = 2 ва ундан юқори даражада маълумотга эга бўлса = 3 |
| Умумий ер майдони | Гектар | Фермер хўжалигининг умумий ер майдони |
| Далалар сони | Сони | Экинлар экиладиган далалар сони |
| Ишчи кучи | Киши сони | Фермер хўжалигида доимий ишчилари сони |
| Бошқа фаолиятдан оладиган даромади | Иккилик | Фермер хўжалиги раҳбарининг бошқа фаолият туридан даромади бўлса = 1, акс ҳолда = 0 |
| Трактор | Иккилик | Фермер хўжалиги ҳисобида трактор мавжуд бўлса = 1, акс ҳолда = 0 |
| Чорва моллари | Сони | Фермер хўжалигида мавжуд чорва моллари сони |
| Бозоргача бўлган масофа | Километр | Фермер хўжалиги жойлашган жойдан маҳаллий бозоргача бўлган масофа |
| Экстеншн хизмати | Иккилик | Фермер хўжалиги фаолияти давомида экстеншн хизматларидан фойдаланса = 1, акс ҳолда = 0 |
| Об-ҳаво маълумотлари | Иккилик | Фермер хўжалигида кунлик об-ҳаво маълумотларини кузатиб борса = 1, акс ҳолда = 0 |
| Бозор инфратузилмаси | Иккилик | Фермер хўжалиги жойлашган ҳудудда бозор инфратузилмаси ривожланган ва қониқарли даражада бўлса = 1, акс ҳолда = 0 |
